

LAGOCHILUS INEBRIANS ЎСИМЛИГИНИ МОЙЛАР АСОСИДАГИ ЭКСТРАКТИ ЛАГОЛИПД ЁҒИНИ ГЕМОСТАТИК ФАОЛЛИГИНИ ЎРГАНИШ

Исломов А.Х.

Тураев А.С.

.ЎзР ФА академик О.С.Содиқов номидаги биоорганик кимё институти

Асқаров И.Р

Анджон давлат университети

Дунёда кўплаб тадқиқот марказларида табиий биологик фаол моддалар асосида янги, янада фаол оригинал таркибга эга бўлган бирикмалар олиш ва амалиётга жорий этишга қаратилган илмий изланишларга алоҳида эътибор берилмоқда *Lagochilus* туридаги ўсимлик ўзининг даволаш хусусияти, яъни қон тўхтатувчи восита сифатида қадимдан маълум бўлиб, самарали қон тўхтатувчи доривор ўсимликлари қаторига киради. *Lagochilus* ўсимлиги асосидаги қайнатма ва дамламалари турли қон оқишларини тўхтатишда амалиётда қўлланилиб келмоқда. Лагохилиннинг ацетил ҳосилалари мойларда яхши эригани учун туғридан туғри *Lagochilus inebrians* ўсимлигини мойлар асосида мойли экстрактлар олинди. Лаголипид қон тўхтатиш хусусиятига эга бўлган восита сифатида қўлланилади. Лаголипид гемостатик фаоллиги ЎзР ФА академик О.С.Содиқов номидаги биоорганик кимё институти фармакология лабораториясида ўрганилди. Тажрибалар 200 ± 20 г бўлган оғирликдаги оқ, бепушт каламушларда, 6 гуруҳга ажратилган ҳолда олиб борилди. Жарохатлар жигарда, буйракда ва талоқда ўрганилди. Филтр қоғозлар $2,0 \text{ см} \times 2,0 \text{ см}$ улчамда. $0,2$ мл хажмда лаголипид ёғи сурилди.

Лаголипидни гемостатик воситалар билан таққослаш учун дориларни паренхимол қон кетиши вақтида каламушлар **жигарига** гемостатик тасири ўрганилди, назорат остидаги каламушларда паренхимали жигарида қон кетиш вақти $2,5 \pm 0,1$ мин, қон йўқотиш миқдори - $0,571 \pm 0,024$ гни ташкил қилди. Лаголипид жигардан паренхимал қон кетиши вақтини $0,4 \pm 0,1$ минутга тўхтатди. ёки назоратдан 84% тезроқ ва қон йўқотиш миқдорини $0,571 \pm 0,024$ г дан $0,170 \pm 0,010$ г гача ёки 70% га камайтирди. Глилагел паренхимадан қон кетишини $0,5 \pm 0,4$ дақиқада тўхтатди. ёки 77% ни ташкил этди ва қуруқ қолдиқнинг оғирлиги $0,242 \pm 0,02$ г ёки 58% гача камайди. Гемостатик дока қон кетиш вақтини $1,25 \pm 0,1$ мин (50% га), Гемостатик шимгични минутда $0,85 \pm 0,06$ (66% га) ва Тахо-Комни $1,35 \pm 0,1$ минутда (44%) гача қисқартирди.



Лаголипидни гемостатик воситалар билан таққослаш учун паренхимол қон кетиши вақтида каламушлар **буйрагига** гемостатик тасири ўрганилди назорат остидаги каламушлар буйрагида паренхимали қон кетиши вақти $2,0 \pm 0,2$ минут, қон йўқотиш $0,355 \pm 0,024$ гни ташкил қилди. Лаголипид буйрақдан паренхимал қон кетиши вақти $0,75 \pm 0,1$ минутга тўхтатди. ёки назоратдан 62% тезроқ ва қон йўқотиш миқдорини $0,050 \pm 0,10$ г гача ёки 86% га камайтирди. Глилагел $0,80 \pm 0,06$ дақиқада паренхимадан қон кетишини тўхтатди. ёки 60% ни ташкил қилди ва қуруқ қолдиқнинг оғирлиги $0,046 \pm 0,020$ г ёки 87% гача камайди. Гемостатик дока қон кетиш вақтини $1,08 \pm 0,10$ мин (49 % га), Гемостатик шимгични қон кетиш вақтини $0,85 \pm 0,6$ минутда (60 % га) ва Тахо-Комни қон кетиш вақтини $1,13 \pm 0,10$ минутда (47 %).гача қисқартирди.

Лаголипидни гемостатик воситалар билан таққослаш учун дориларни паренхимол қон кетиши вақтида каламушлар **талоғига** гемостатик тасири ўрганилди назорат остидаги каламушларда паренхимали талоқда қон кетиш вақти $2,2 \pm 0,12$ мин, қон йўқотиш миқдори - $0,192 \pm 0,014$ гни ташкил қилди. Лаголипид талоқда паренхимали қон кетиш вақтини $0,5 \pm 0,04$ минутда тўхтатди. ёки назоратдан 82% тезроқ ва қон йўқотиш миқдори назоратдаги $0,192 \pm 0,014$ г дан $0,026 \pm 0,001$ г гача ёки 86% га камайтирди. Глилагел $0,87 \pm 0,03$ дақиқада паренхимадан қон кетишини тўхтатди. ёки 63% ни ташкил қилди ва қуруқ қолдиқнинг оғирлиги $0,034 \pm 0,020$ г ёки 82% га камайди. Гемостатик дока қон кетиш вақтини $1,10 \pm 0,10$ минутда 50% га, Гемостатик шимгични қон кетиш вақтини $1,07 \pm 0,10$ дақиқада 51% га ва Тахо-Комни қон кетиш вақтини $1,5 \pm 0,10$ дақиқада 40% қисқартиради.

Шундай қилиб *Lagochilus inebrians* ўсимлигидан олинган мойли экстракти Лаголипидни гемостатик фаолликлари жигарда, буйрақда ва талоқда маҳаллий гемостатик воситалар билан таққослаб ўрганилганда Гемостатик марили (Россия) гемостатик таъсиридан 2,2 марта, Гемостатик гупка (Россия) гемостатик таъсиридан 1,6 ва Тахо-Ком (Австралия) гемостатик таъсиридан 2,6 марта юқори гемостатик фаолликни намоён қилиши аниқланди. энг фаол Лаголипид препарати юқори гемостатик фаолликни намоён қилиши исботланди ва улар асосида гемостатик дори воситаси олиш тавсия этилди.



ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1.Абрамов М.М., Япарова С.А., Икрамов М.И. Сравнительная характеристика дикорастущего и культурного лагохилуса опьяняющего // Узб. биол. журн. 1958. №6. С.55-60.

2. Мавланкулова З.И., Зайнутдинов У.Н., Муҳамедханова С.И., Леонтьев В.Б., Асланов Х.А. Спектры ЯМР¹³С лагохилина и его производных // Химия природ. соедин. 1979. №1. С.41-43.

3.Зулфанова Н.С., Исломов А.Х., Матчанов А.Д., Матёкубов А.// *Lagohilus inebrians* bge ўсимлигидан лагохилин дитерпеноидини ажратиб олиш ва ИК спектрини ўрганиш.// *ARES, Academic Research In Educational Sciences* Volume 2. Issue 6. 2021\06. ISSN:2181-1385. Scieintific Journal impact Factor (SJIF) 2021:5.723. Б.555-561.

4.Зайнутдинов. У.Н. Маулянов. С.А. Исламов. А.Х. // *Lagochilus* авлодига мансуб ўсимликлар кимёси, биологияси ва физиологик хоссалари.// Монография Тошкент«Университет» 2019 Б.194

5. Далимов Д.Н., Исломов А.Х., Ҳамдамов Ў.И., Пулатова М.П. Лагохилиннинг ацетил ҳосилаларини синтез қилиш ва лагохилус ўсимлигини ўсиш даврида уларнинг қайси вақтда синтез бўлишини аниқлаш. ЎЗМУ хабарлари Т. № 32. 2017. Б.403-407.

6. Гафуров М.Б., Матчанов А.Д., Юлдашев Х.А., Выпова Н.Л., Исломов А.Х., Эсонов Р.С., Алланиёзова М.К., Хашимова Н.Р., Ахунов А.А., Далимов Д.Н. Глицирризин кислота ва унинг қуйи молекуляр бирикмалар билан супрамолекуляр комплекслари. ГулДУ «Табиий бирикмалардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш истиқболлари» Респ. илмий амалий анжумани материаллари теплами. 25-26 май 2018 йил. Б.73-74

7. Исломов А.Х., Матчанов А.Д., Гафуров М.Б., Далимов Д.Н. Лагохилин ацетил ҳосилаларини глицирризин кислота ва унинг моноаммонийли тузи билан супрамолекуляр комплекслари. ГулДУ «Табиий бирикмалардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш истиқболлари» Республика илмий амалий анжумани материаллари теплами. 25-26 май 2018 йил. Б.91-93.

8. Исломов А.Х. “Маданийлаштирилган ва ёввойи ўсувчи *Lagochilus inebrians* ўсимлигини қиёсий кимёвий ўрганиш ва лагохилин ҳосилаларининг сувда эрувчан комплекслари синтези”//Дисс. кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).Т.2019 йил. Б.147.

